


5. ЁҒОЧ СИНЧДАН ҚУРИЛАДИГАН ХУСУСИЙ УЙ

Ёғоч синчдан қуриладиган хусусий уй қуйидаги конструктив ечимлар ва параметрларда зилзилабардош ҳисобланади:


1. Ёғоч синчли уйни сейсмиклиги 7 ва 8 балли ҳудудларда қуриш мүмкін. Синчли уйни сейсмиклиги 9 балли ҳудудда қуришга рухсат етилмайди.

2. Уй имкон даражасида содда бўлиши керак. Пландаги шакли мураккаб бўлса уй антисейсмик чоклар билан алоҳида (садда) қисмларга ажратилади (1.1 – 1.2-расмлар).

3. Қуриладиган уйнинг қуйидаги параметрларида (5.1 - жадвал) ва (5.1 – 5.2-расмлар):



5.1-расм. 7 балли майдонда қуриладиган синчли уйнинг чегаравий параметрлари



5.2-расм. 8 баллы майдонда қуриладиган синчли үйнинг чегаравий параметрлари

5.1 - жадвал

Майдоннинг сейсмиклиги / Параметрлари	7 балл	8 балл	9 балл
Қаватлар сони	1 – 2	1	Үй қуришга рухсат берилмайды
Узунлиги, м, күпін билан	24	18	
Юк күтәрүвчи дөвөрлар оралиғи, м, күпін билан	6	6	
Күндаланг дөвөрлар оралиғи, м, күпін билан	6	6	
Эшик-дереза үрәннинг көнглигі, м, күпін билан	1,5	1,5	

4. Дөвөрлари яkkасинч ёки құшсингдан иборат бўлиши мумкин. Каркаснинг вертикал элементлари антисейсмик камар ҳисобланувчи пастки ва юқориги боғловчи элементлар билан боғланган бўлиши лозим.

5. Синчли үйни қуришда фазовий бикирликни таъминлашга ва каркаснинг пойдевор билан боғланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Ёғоч каркас элементлари бир-бiri билан мустақам қилиб боғланиши керак. Синчли үйнинг фазовий бикрлиги қуйидаги конструктив тадбирлар орқали эришилади:

- 1) бўйлама ва күндаланг дөвөрлар имкон даражасида бир хил масофада ва бош ўқларга нисбатан симметрик жойлашиши лозим;
- 2) дөвөрнинг ўз текислигидаги бикрлигини таъминлаш зарур;

Бунинг учун ҳовонлардан фойдаланиш керак.

3) каркаснинг вертикал элементлари горизонтал элементлари билан мустақам боғланиши керак. Бу ерда том түсінларининг үй үстүнларига таяниши мақсадға мувофиқ бўлади;

4) стропилнинг тагига қўйиладиган мауэрлат том түсініга ҳовон ёрдамида маҳкамланиши керак.

6. Уйнинг зилзилабардошлигини ошириш учун каркаснинг тўлдирувчилари имкон даражасида енгил бўлиши ва каркас элементлари билан мустақам боғланиши керак. Тўлдирувчилар зилзила пайтида тушиб кетмаслиги учун уларни каркасга зич тираб териш керак. Сувоқнинг деворга яхши ёпишиши учун сувоқ ишларини каркасни тўлдирувчиларини териш ишлари тугаши билан дарҳол бошлаш керак. Агар лой қоришмага сомон қўшилса деворнинг яхлитлиги янада ортади.

7. Бундай уйларнинг ораёпмаси ёғочдан бўлиши керак. Ораёпманинг бикрлигини таъминлаш учун түсінларга диагонал ҳовонлар михлаб қўйилади.

8. Том иссиқликдан яхши ҳимоя қилувчи енгил материаллардан ёпилган бўлиши керак.